

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

**ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ВА УЛАР БЎЙИЧА
ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИ
Фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 –“Бизнес ва бошқарув” таълим
соҳасидаги 5А340603 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”
магистратура мутахассислиги учун**

Ташкент – 2003

Тузувчи: доц. Норбеков Д. Э.
Тақризчилар: проф. Хасанов Б.А.
доц. Ибрагимов А.К.

Республикамизда бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш, уни қимматли қоғозлар бозорида юз бераётган ўзгаришларга ҳам мослаб борган ҳолда юритиш кераклигини тақозо этмоқда. Шу нуқтаи-назардан бугунги кунда амалдаги бухгалтерия ҳисоби қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисобига бўлинмоқда.

В 1994 году с выходом январского Указа Президента Узбекистана И. А. Каримова «О приоритетных направлениях дальнейшего развития процесса разгосударствления и приватизации в республике Узбекистан» фондовый рынок получает новый мощный импульс развития. Исходя из этого организация системы бухгалтерского учета республики на уровень международных стандартов предусматривает ведения его в соответствии с изменениям, происходящими на рынке ценных бумаг. Бухгалтерский учет сегодня делится на учет ценных бумаг и операций по ним. Сегодня рынку ценных бумаг уделяют достаточно много внимания в прессе, хозяйственных кругах, государственных органах управления.

According to the president of Uzbekistan I.A. Karimov's decree on Prior directions of further development privatization process in the republic of Uzbekistan stock market gets a new powerful development impulse issued from it accounting system organization of the republic to international standards stipulates the discipline including in accordance with changes taking place of bond market.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август 343-сонли Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари бўйича ҳар бир ўқитиладиган фанлардан дастурлар тайёрлаш зарурияти туғилди. «**Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисоби**» фани бўйича тузилган ушбу дастур қўйилган барча талаблар асосида тузилган бўлиб, «Бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги магистрантлари учун мўлжалланган.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодига ўтишни босқичма-босқич амалга оширмоқда. Ислохотларнинг биринчи босқичидаёқ янги мулк шакллари, жумладан, қўшма корхоналар пайдо бўла бошлади. Шу сабабли бу корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш зарурияти туғилади. Ҳиссадорлик жамиятларида бошқарувни самарали ташкил этиш учун улардан олинаётган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлашда бухгалтерия ҳисобини роли каттадир.

Ўқув режасига мувофиқ «Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисоби» фани иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларидаги, яъни ҳиссадорлик жамиятлари, қўшма корхоналар ва бошқа соҳаларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва уни юритишнинг ўзига хос томонларини ҳамда хусусиятларини ўрганади. Магистрантлар шу

корхоналардаги қимматли қоғозлар жумладан, акция, вексел, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар юзасидан бўладиган ҳисоблашишларни ўрганадилар.

Фан бўйича магистрантларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Мазкур мутахассисликда ўқийдиган магистрантлар «Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисоби» фанини чуқур ўрганиши ҳамда етук мутахассис бўлиши учун қуйидагиларни мукамал билишлари лозим:

- бозор иқтисодига ўтиш зарурлигини ҳамда бозор иқтисоди қонунларини;
- республикаимиз тараққиётида қимматли қоғозларни ҳисобга олишнинг аҳамияти ва ўрнини; мутахассислик фани билан боғлиқ бўлган фанларни;
- қимматли қоғозлар эмиссиясини ўз вақтида ҳисобга олинишни; дивидендлар ва фоизлар ҳисоблашни тўғри ҳисобга олишни;
- иқтисодий сиёсатни шакллантиришда "Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисоби" фанининг аҳамияти беқиёс эканлигини.

Ўқитиш жараёнида назарий ва амалий билимлар солиштириш узвийлигини таъминлаш, магистрантларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини орттириб, мустақил билим олишга шароит яратиб бериш лозим.

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқадорлиги

Магистрантлар ўқув дастурига мувофиқ "Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисоби" фанини чуқур ўрганадилар. Бозор иқтисоди шароитида ҳиссадорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобини халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш ва юритишни ўрганиш асосий вазифа қилиб қўйилади.

Фанни ўрганишда Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни асос қилиб олинади. Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар ва қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, ҳамда иқтисодий адабиётлардан кенг фойдаланилади. Магистрантларга қуйидаги фанлар ҳам режага мувофиқ чуқур ўргатилади:

- Молиявий ҳисоб-2;
- Бошқарув ҳисоби-2;
- Амалий аудит;
- Молиявий таҳлил-2;
- Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими;
- Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисоби;
- Молия математикаси;
- Давлат молиясини бошқариш.

Фанни ўқитишда инновацион технологиялар

Магистрантларга фанни замонавий усулда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимини мустақил равишда баҳолашлари учун қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- магистрантларни олдиндан тарқатма материал билан таъминлашга эришиш;
- магистрант ўз билимини ўзи баҳолайдиган шароитни яратиб бериш;
- магистрантнинг билимини таянч иборалари асосида баҳолашни жорий қилиш;
- магистрантларни кичик гуруҳларга бўлиб ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш;

- магистрантларга «1С:Бухгалтерия», «Турбо-Бухгалтерия» ва бошқа дастурлар билан ишлаш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш;
- иктидорли магистрантлар билан уларни қизиқтирувчи мавзулар бўйича қўшимча дарсларни ташкил қилиш ва ҳ.к.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

"Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисоби" фани магистрантларга 2-семестрда ўқитилади. Бу семестрда "Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисоби" тўғрисидаги тушунчалар ва уларнинг ҳисоби ҳамда тақдим этиладиган ҳисоботлари тартиби тўғрисида муҳим қоидалар ўргатилади. Фан маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўрганилади. Магистрантлар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлашлари учун уй вазифалари берилади. Уларнинг олган билимларини тест-синов усулларида назорат қилиб боришлади қўлланилади. Ўқув жараёни рейтинг тизими асосида ташкил қилинади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича соатлар ҳажми

Олий касб таълимининг давлат стандартларида "Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисоби" фанига жами 90, шундан маъруза - 40 амалий машғулот - 20 мустақил таълимга 30 соат ажратилган.

2. ФАН ДАСТУРИ

Маъруза машғулотларининг мавзулари

Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисоби ҳақида тушунча, унинг мазмуни, аҳамияти ва тамойиллари. Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисобининг олдига қўйилган вазифалар. Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисобини ташкил қилиш муаммолари. Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисобини тўғри ташкил қилиш, молиявий ҳисобнинг тўғри ташкил қилиниши ва юритилишидаги роли. Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисобини ташкил қилишнинг корхонада бухгалтерия ҳисобини юритиш сиёсатида тўғри келиши.

Қимматли қоғозлар ҳақида тушунча ва уларнинг турлари. Республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришда қимматли қоғозларнинг тутган ўрни ва улар олдида турадиган вазифалар. Қимматли қоғозлар таснифи.

Қимматли қоғозлар таснифининг асосий мезонлари. Акция, облигация ва векселлар бўйича бўладиган операцияларни ҳисобга олиш. Фонд операцияларининг турлари ва уларни ҳисобга олишнинг аҳамияти. Фьючерс операциялари тўғрисида тушунча.

Корхона устав фондининг ҳисоби: акциядорлик жамиятининг устав фондини шакллантириш

Корхона **Низом жамғармасини ҳиссадорлар** ўртасида тақсимланиши. Ҳиссадорлик жамиятини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби. *"Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонунга асосан ҳиссадорлик жамиятининг Низом жамғармасини ташкил этиш тартиби.*

Ҳиссадорлик жамиятининг Низом жамғармасига чет эл валютаси ҳисобида ҳисса қўшиш усуллари. Қўшма корхона Низом жамғармасини шакллантириш ва уни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Янги ташкил этилган акциядорлик жамияти Устав жамғармасини шакллантиришнинг ҳисоби

Ҳиссадорлик жамияти Низом жамғармасининг шаклланиш йўллари:

а) янги ҳиссадорлар жамиятини ташкил этиш йўли билан.

б) мавжуд юридик шахсни қайта ташкил этиш натижасида (қўшилиб кетиш, қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқиш ва қайта ташкил этиш).

Ҳиссадорлик жамияти Низом жамғармасининг камайиши ва кўпайиши омиллари, уларнинг ҳисоби. Ҳиссадорлик жамияти таъсис балансини акс эттириш тартиби.

Ҳиссадорлик жамиятининг таъсисчилари билан бўладиган ҳисоб-китоблар ва уларни бухгалтерия провоткаларида акс эттириш.

Хусусийлаштирилган корхонани акциядорлик жамиятига айлантиришда Устав фондини шакллантириш

Давлат корхонасини ҳиссадорлик жамиятига айлантириш тартиби. Хусусийлаштирилаётган коргоканинг **Низом жамғармасини** шакллантиришда мол-мулкларни баҳолаш.

Корхонани тугатиш балансини тузиш тартиби. Аукцион орқали корхона мол-мулкларини сотилиш тартиби ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби.

Хусусийлаштирилган корхона акциядорлик жамиятига айлантиришда Устав фондини шакллантириш ҳисоби

Хусусийлаштирилган корхонанинг **Низом жамғармасининг** янгидан ташкил этиш тартиби. *Қопланмаган зарар ва тақсимланмаган фойдани ҳисобидан чиқаришнинг ҳисоби.* Асосий воситаларни ва капитал кўйилмаларни баҳолаш тартиби ва уларни бухгалтерия провоткаларида акс эттириш.

Устав фондидаги ўзгаришлар ҳисоби

Ҳиссадорларнинг қарорига асосан **Низом жамғармасидаги** ўзгаришлар. *Низом жамғармасининг камайиши ва кўпайишига таъсир этувчи омиллар, ларнинг бухгалтерия ҳисоби.* Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида **Низом жамғармасидаги** ўзгаришлар ва уларни ҳисобга олиш. Муассасаларни ҳисса кўшиши натижасида **Низом жамғармасида** рўй берадиган ўзгаришлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби.

Акциялар юзасидан ҳисоблашиш операцияларининг ҳисоби. Акциялар эмиссиясининг бухгалтерия ҳисоби

Акция ҳақида тушунча. Оддий ва имтиёзли акциялар. *Акцияларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари.* Сотувга чиқарилган акцияларнинг бухгалтерия ҳисоби. Акцияларни муомалага чиқариш (эмиссия қилиш)нинг кўринишлари. Муомалага чиқарилган акцияларнинг эмитентлар орқали тарқатилишининг бухгалтерия ҳисоби.

Бирламчи бозорда акцияларни жойлаштириш ҳисоби

Акцияларнинг бирламчи бозори иш механизми. Бирламчи бозор инвестори ва эмитентлари. *Акцияларни номинал қиймати бўйича счётларда акс эттириши. Дебиторлик қарзларининг пайдо бўлиши ва улар бўйича ҳисоблашишлар.* Қимматли қоғозлар фоизларини киримга олиш. Солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Кўшилган капитал таркибида акциялар қийматини акс эттириш.

Акция ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш операцияларининг ҳисоби

Бошқа ташкилотлар томонидан сотувга чиқарилган акцияларни сотиб олишни бухгалтерия счётларида акс эттириш. *ХИФлар томонидан сотувга чиқарилган акция ва бошқа қимматли қоғозлар ва уларни ҳиссадорлик жамиятлари томонидан сотиб олинишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларни ҳисобга олиш. Ҳиссадорлик жамияти чиқарган акцияларини ХИФлари орқали сотилишининг ҳисоби.* Акция ва бошқа қимматли қоғозларни **корхона жамоаси ўртасида тақсимланишининг** ҳисоби.

Облигация ва вскел операциялари ҳамда опцион, фьючерс, вексел ва ордер шартномаларининг ҳисоби

Облигация ҳақида тушунча. *Облигациялар турлари ва улар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисоби.* Векселнинг вужудга келиши, босқичлари, классификацияси. Векселлар бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари. *Берилган векселларнинг бухгалтерия ҳисоби.* Узоқ муддатли векселлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Вексел операцияси (ҳаракати) ва расмийлаштирилишини назорат қилиш хусусиятлари. Опцион моҳияти ва турлари. Сотувчи ва сотиб олувчи опционлари. *Опционларнинг бухгалтерия ҳисоби.* Фьючерс ва ордер битимлари, уларнинг бухгалтерия ҳисоби.

Акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар бўйича фоизлар ҳисоблашнинг ҳисоби

Дивиденд тўғрисида тушунча. **«Ҳиссадорлик жамиятлари ва ҳиссадорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги қонунга биноан дивиденд тўлаш тартиби. Дивидендларни эълон қилиш ва

ҳисоблаш усуллари. Дивидендларни тўлаш жараёни ва тартиби. *Дивидендларни ҳисобга олишининг бухгалтерия ҳисоби.* Облигация бўйича фоизларни ҳисоблаш тартиби. Облигацияларга фоизлар ҳисоблашнинг бухгалтерия ҳисоби.

Инвестиция фондларида қимматли қоғозларнинг ҳисоби

Инвестиция фондларининг кўринишлари ва уларнинг вазифалари. Инвестиция фондларининг турлари. *Очиқ ва ёпиқ инвестиция фондларида акцияларни сотиб олиш тартиби ва ҳисоби.* Инвестиция фондларининг даромадларини ташкил этиш манбалари.

Инвестиция фондларида ҳисоб сиёсати. Инвестиция фондларида қимматли қоғозларни сотилишида Ўртача баҳо, ЛИФО ва ФИФО усулларидан фойдаланиш.

Қимматли қоғозлар операцияларини ва улардан олинган даромадларни солиққа тортиш ҳисоби

Юридик шахсларга тўланадиган дивидендлар ҳамда фоизларни солиққа тортиш тартиби ва ҳисоби. *Жисмоний шахслар оладиган даромад (дивиденд, фоиз)ларни солиққа тортиш тартиби ва ҳисоби* Дивидендларни тўлаш жараёни ва тартиби. Дивидендларни солиққа тортишнинг бухгалтерия ҳисоби. Облигациялардан олинган фоизларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисоби.

3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

Амалий машғулот мавзулари

Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисоби

Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисобининг олдида қўйилган вазифалар. Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисобини ташкил қилиш муаммолари. Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисобини тўғри ташкил қилиш, молиявий ҳисобнинг тўғри ташкил қилиниши ва юритилишидаги роли. Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисобини ташкил қилишнинг корхонада бухгалтерия ҳисобини юритиш сиёсатида тўғри келиши.

Қимматли қоғозлар ҳақида тушунча ва уларнинг турлари. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда қимматли қоғозларнинг тутган ўрни ва улар олдида турадиган вазифалар. Қимматли қоғозларнинг таснифи.*

Қимматли қоғозлар таснифининг асосий мезонлари. Акция, облигация ва векселлар бўйича бўладиган операцияларни ҳисобга олиш. Фонд операцияларини турлари ва уларни ҳисобга олишнинг аҳамияти. Фьючерс операциялари тўғрисида тушунча.

Корхона Низом жамғармасининг ҳисоби: Ҳиссадорлик жамиятининг Низом жамғармасини шакллантириш

Корхона Низом жамғармасини ҳиссадорлар ўртасида тақсимланиши. Ҳиссадорлик жамиятини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби*. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунга асосан ҳиссадорлик жамиятини Низом жамғармасини ташкил этиш тартиби бўйича масалалар ечиш.

Янги ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятининг Низом жамғармасини шакллантириш ҳисоби

Ҳиссадорлик жамияти Низом жамғармасининг шаклланиш йўллари. Ҳиссадорлик жамияти Низом жамғармасининг камайиш ва кўпайишининг омиллари, уларнинг ҳисоби*. Ҳиссадорлик жамияти таъсис балансини акс эттириш тартиби.

Ҳиссадорлик жамиятининг таъсисчилари билан бўладиган ҳисоб-китоблар ва уларни бухгалтерия проводкаларида акс эттириш бўйича масалалар ечиш.

Хусусийлаштирилган корхонани ҳиссадорлик жамиятига айлантиришда Низом жамғармасини шакллантириш

Давлат корхонасини ҳиссадорлик жамиятига айлантириш тартиби. Хусусийлаштирилаётган корхонанинг Низом жамғармасини шакллантиришда мол-мулкларни баҳолаш ҳисоби. Корхонани тугатиш балансини тузиш тартиби*. Аукцион орқали корхона мол-мулкларини сотилиши ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича масалалари ечилади.

Хусусийлаштирилган корхонанинг ҳиссадорлик жамиятига айлантиришда Низом жамғармасини шакллантириш ҳисоби

Хусусийлаштирилган корхонанинг Низом жамғармасини янгидан ташкил этиш тартиби. Қопланмаган зарар ва тақсимланмаган фойдани ҳисобдан чиқаришнинг ҳисоби*. Асосий воситаларни ва капитал қўйилмаларни баҳолаш тартиби ва уларни бухгалтерия проводкаларида акс эттириш бўйича масалалар ечиш.

Низом жамғармасидаги ўзгаришлар ҳисоби

Ҳиссадорларнинг қарорига асосан Низом жамғармасидаги ўзгаришлар. Низом жамғармасининг камайиш ва кўпайишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби*. Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида Низом жамғармасидаги ўзгаришлар ва уларни ҳисобга олиш. Таъсисчиларнинг ҳисса қўшиши натижасида Низом жамғармасида рўй берадиган ўзгаришлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича масалалар ечиш.

Акциялар юзасидан ҳисоблашиш операциялари ҳисоби: Акциялар эмиссиясининг бухгалтерия ҳисоби

Акциялар бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари. Акцияларни муомалага чиқариш (эмиссия қилиш)нинг кўринишлари*. Муомалага чиқарилган акцияларнинг эмитентлар орқали тарқатилишининг бухгалтерия ҳисоби бўйича масалалар ечиш.

Бирламчи бозорда акцияларни жойлаштиришнинг ҳисоби

Акциялар бирламчи бозорининг иш механизми. Бирламчи бозор инвестор ва эмитентлари. Акцияларнинг номинал қиймати бўйича счётларда акс эттириш ва улар бўйича ҳисоблашишлар. Қимматли қоғозлар фоизларини киримга олиш. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби*. Қўшилган капитал таркибида акциялар қийматини акс эттириш бўйича масалалар ечиш.

Акция ва бошқа қимматли қоғозларин сотиб олиш, сотиш операцияларининг ҳисоби

Бошқа ташкилотлар томонидан сотувга чиқарилган акцияларни сотиб олишни бухгалтерия счётларида акс эттириш. ХИФлар томонидан сотувга чиқарилган акция ва бошқа қимматли қоғозлар, уларни ҳиссадорлик жамиятлари томонидан сотиб олишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларни ҳисобга олиш*. Ҳиссадорлик жамиятининг чиқарган акцияларини ХИФлари орқали сотилишининг ҳисоби. Акция ва бошқа қимматли қоғозларни корхона жамоаси ўртасида тақсимланишининг ҳисоби мавзулари бўйича масалалар ечиш.

Облигация ва вексель операциялари ҳамда опцион, фьючерс ва ордер шартномаларининг ҳисоби

Облигация ҳақида тушунча. Облигациялар турлари ва улар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисоби. Векселлар бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари. Берилган векселларнинг бухгалтерия ҳисоби. Олинган векселларнинг бухгалтерия ҳисоби*.

Опцион моҳияти ва турлари. Сотувчи ва сотиб олувчи опционлари. Опционларнинг бухгалтерия ҳисоби. Фьючерс ва ордер битимлари, уларнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича масалалар ечиш.

Акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар бўйича фоизлар ҳисоблашнинг ҳисоби

Дивиденд тўғрисида тушунча. «Ҳиссадорлик жамиятлари ва ҳиссадорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида» ги Қонунига биноан дивиденд тўлаш тартиби. Дивидендларни эълон қилиш ва ҳисоблаш усуллари. Дивидендларни тўлаш жараёни ва тартиби. Дивидендларни ҳисобга олишнинг бухгалтерия ҳисоби. Облигация бўйича фоизларни ҳисоблаш тартиби*. Облигацияларга фоизлар ҳисоблашнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича масалалар ечиш.

Инвестиция фондларига қимматли қоғозларнинг ҳисоби

Инвестиция фондларининг кўринишлари ва уларнинг вазифалари. Инвестиция фондларининг турлари. Очик инвестиция фондларида акцияларни сотиб олиш тартиби ва ҳисоби*. Инвестиция фондларининг даромадларини ташкил этиш манбалари. Инвестиция фондларида ҳисоб сиёсати. Инвестиция фондларида қимматли қоғозларни сотилишида Ўртача баҳо, ЛИФО ва ФИФО усулларидан фойдаланиш бўйича масалалар ечиш.

Қимматли қоғозлар операцияларини ва улардан олинган даромадларни солиққа тортишнинг ҳисоби

Юридик шахсларга тўланадиган дивидендлар ҳамда фоизларни солиққа тортиш тартиби ва ҳисоби. Жисмоний шахслар оладиган даромад (дивиденд, фоиз)ларни солиққа тортиш тартиби ва ҳисоби. Дивидендларни тўлаш жараёни ва тартиби. *Дивидендларни солиққа тортишнинг бухгалтерия ҳисоби*. Облигациялардан олинган фоизларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисобига доир масалалар ечиш.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

Фанни ўрганишда тингловчилар амалий ёрдам тариқасида бухгалтерия ҳисоби бўйича қўлланиладиган турли шаклдаги чизмалар ва диаграммалар билан таъминланади.

Магистрантлар «Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисоби» фанини ўрганишда ахборот воситаларидан кенг фойдаланадилар. Жумладан, Республикада чоп этилган газета ва журналлардан мутахассисликка тегишли материалларни оладилар. Фан бўйича ўзгаришлар, янгиликлар ва меъёрий ҳужжатлар билан ўқитувчилар таништириб борадилар. Фанни ўрганишда техник воситаларни, айниқса, компьютерни қўллаш кўпроқ самара беради. Масалан куйидаги слайдлардан фойланишлари мумкин:

- акциянинг турлари;
- бирламчи бозорни ташкил қилиш;
- инвестиция тизими фондларини ташкил қилиш;
- қимматли қоғозлар бозори;
- дивидендларни тақсимлаш тартиби;
- облигация, вексель, аукцион ва фьючерс ҳисоби.

Магистрантлар бухгалтерия ҳисоби назарияси фанини

ўрганишда ахборот воситаларидан, яъни Интернет тизимидан ҳам. Жумладан куйидаги сайт ва электрон почталардан фойдаланишлари мумкин:

- <http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standarts Committee)
- <http://www.aicpa.org/index.htm> (American Institute of Certified Public Accountants)
- <http://www/iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors- United Kingdom)
- <http://www/iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee)

Фан бўйича ўзгаришлар, янгиликлар ва меъёрий ҳужжатлар билан ўқитувчилар таништириб борадилар.

1.ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Магистрантларнинг фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турларда орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралиқ баҳолаш (ОБ);
- якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ва ОБ турлар ва белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг 70%) ўқитилаётган фанга масъул бўлган кафедра қарори билан мавзунинг мураккаблиги ва зарурийлигига қараб қуйидаги мезонлар асосида тақсимланади:

- магистрантнинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича манбаларни конспектлаштириш;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиш;
- илмий тезис (мақола)лар тайёрлаш, илмий-услубий анжуманларда чиқишлар қилиш;
- илмий адабиётга ва изланиш натижаларига аннотация ёзиш;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариш;
- хорижий тилларда чоп этилган адабиётларни таржима қилиш;
- фан бўйича кўргазмали қуролларни тайёрлаш;
- фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлим ёки қисм бўйича магистрантларнинг назарий билимларини баҳолаш.

ЯБда фан бўйича дастур тўла ўтилгандан сўнг магистрантнинг билими баҳоланади.

ЯБ турига ажратилган баллар миқдори, ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 30% миқдорида белгиланади. Барча фанлар бўйича ЯБ босқичи ёзма иш усулида ўтказилади.

Таянч тушунчаларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби «Рейтинг тизимининг якуний баҳолаш босқичида «Ёзма иш» усулини татбиқ этиш бўйича Намунавий низом билан белгиланади».

ОБ тури оғзаки, тест, ҳимоя, ёзма иш усулида ёки бошқа усулларда ҳам ўтказилиши мумкин.

Деканат (марказ) белгиланган тартибда фан бўйича магистрантнинг ЖБ, ОБ ва ЯБ турларидаги ўзлаштириш кўрсаткичларини таҳлил этиб боради ва уларнинг натижаларини белгиланган шаклдаги қайдномалардаакс эттиради.

Рейтинг натижалари олий таълим муассасасининг Илмий кенгашида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

Олий таълим муассаси фанлар учун баҳолаш турларининг ҳар бири бўйича рейтинг балларини ҳисоблаш механизмларини ишлаб чиқади ва услубий кенгашда тасдиқлайди.

Семестр (ўқув йили) давомида ўқитилган фан бўйича максимал 55 ва ундан юқори фоизини тўплаган магистрант "**қониқарли**" ўқиётган, деб ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55% идан кам балл тўплаган магистрант "**қониқарсиз**" ўқиётган (академик қарздор) деб ҳисобланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. «Ўзбекистон Республикасининг давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 мартдаги 119-сонли Қарори. халқ сўзи, 1996.
2. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2000 йил 31 август 965-сон билан рўйхатдан ўтган «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан маълумотларни ошкор қилиш тўғрисида»ги Низом. //Солиқлар ва божхона хабарлари, 1996.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 19 мартдаги «Қимматли қоғозлар жараёнида олинган даромадларни солиққа тортиш» бўйича йўриқномаси. Солиқлар ва божхона хабарлари, 1997.
4. Каримов И.А. Янги уй курмай туриб эскисини бузманг. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маъруза. 1999 йил 14 апрель. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
7. Каримов. И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
8. Абдуллаев Ё., Шохазамий Ш. Қимматли қоғозлар: 100 савол ва жавоб.-Т.: МЕХНАТ, 1997
9. Бердникова Т.Б. Акционерное общество на рынке ценных бумаг. -М. Финстатинформ, 1997.
10. Бердникова Т.Б. Механизм деятельности акционерного общества на рынке ценных бумаг России. -М.ИНФРА-М, 2000.
11. Бутиков И.Т. Қимматли қоғозлар бозори. Дарслик. -Т.: Консаудитинформ, 2001.
12. Пардаев А.Х. Бухгалтерский учёт и экономический анализ в акционерных обществах. -М.: БУКВИЦА, 1997.
13. Пардаев А.Х. Иккиламчи қимматли қоғозлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби (қўлланма). -Т.: МТХИ, 1998.
14. Ғофуров Ш.Р. и другие. Справочник акционеров и предпринимателей. -Т.: Ўзбекистон, 1996.

Қўшимча адабиётлар

1. Алексеев М.Ю. Рынок ценных бумаг. -М.: Финансы и статистика. 1998.
 2. Астахов В.П. Ценные бумаги. Выпуск, обращение, погашение, бухгалтерский учет, налогообложение, отчетность. -М.: Ось-89, 1997.
 3. Дж. К., Ван Хорн: Основы управления финансами. -М.: Финансы и статистика, 2000.
 4. Ғофуров Ш., Беркинов Б., Пичугина О. Рынок ценных бумаг, -Т.: 1999.
 5. Fremgen F.M. Accounting for managerial Analysis: Third Edition. Richard D. Irwing Inc., Homewood, Illions,1996.
 6. Kenneth M. Morris & Allan M. Siegel. Guide to understanding money & investing. 2000 by lightbulb, press, Inc.
 7. Securities Regulation in The Unite States. NASD. Washington - 2000.
 8. The Istanbul Stock Exchange In a Historical Perspective. Written by Pfor. Haydar Kazgan/ published by ISE. Istanbul, 1999
- The Work Of SEC. U.S. Securities and Exange Comission. -1999.**